

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2023 йил 7 март, № 46 (8389)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КОНСТИТУЦИЯГА ТАКЛИФЛАР ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАХАТЛАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Олий суд раҳбарияти билан учрашди.



Учрашувда Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан халқимиз томонидан келиб тушган таклифлар якунлари бўйича маслаҳатлашув бўлиб ўтди. Депутатлар жамоатчилиги томонидан юборилган 200 мингдан ортиқ таклифларнинг ҳар бирини син-чиқлаб ўрганиб чиқишди, бунда халқаро тажриба

ҳам инобатга олинди, турли соҳалардан етук мутахассислар ва экспертлар жалб этилди. Бир неча ой давом этган ўрганишлар натижасида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонун лойиҳасининг якуний таҳрири тайёрланди.

Мазкур қонун лойиҳасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва давлат бошқаруви соҳаларига оид ўта муҳим ўзгаришлар акс этгани сабабли қонун лойиҳасини референдумга қўйишдан аввал депутатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида белгиланган қонунчилик та-

шаббусига эга субъектлар билан маслаҳатлашувлар ўтказмоқда. Бунда парламент ва ҳукумат, жамоатчилик вакиллари қонун лойиҳасига ўз таклифлари ва фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда. Шунингдек, мазкур қонун лойиҳаси Конституция-

вий суд томонидан алоҳида кўриб чиқилиши ва ҳулоса берилиши қайд этилди. Маслаҳатлашувлар давом этади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

6 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Икки томонлама муносабатлар кун тартибининг долзарб жihatлари юзасидан фикр алмашилди. Товар айирбошлашнинг ўсиш суръатларини қўллаб-қувватлаш, икки мамлакатнинг етакчи компания ва корхоналари иштирокида иқтисодийнинг турли тармоқларида инвестиция лойиҳаларини илгартириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Худудларо ҳамкорликни янада ривожлантириш, маданий-гуманитар алоқаларини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат раҳбарлари минтақавий шериклик масалаларини ҳам кўриб чиқдилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотига улкан эҳтиром кўрсатиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётида тўтган ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, бой тажрибаси билан бугунги тўб ислохотларимизда фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган опа-сингилларимизни муносиб тақдирлаш мақсадида қуйидагилар орден ва медаллар билан мукофотлансин:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Арзиева Мархабо Имамназаровна — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг навли прокат цехи металл сараловчиси, Тошкент вилояти

Атабаева Оматхон Қаримжановна — Андижон шаҳридаги «Сиёвуш голд транс» масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси, Андижон вилояти

Ахмедова Зулфия Рахмоновна — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси темирчилик-пресслаш цехи машинисти, Навоий вилояти

Ахмедшина Фания Авзаловна — Жиззах давлат педагогика университетининг умумий тарих кафедраси профессори, Жиззах вилояти

Бегматовна Азза — Ўзбекистон давлат драма театри етакчи саҳна устаси

Қобилова Мавлуда Умрзоқовна — Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг бўлим етакчи муҳандис-технологи, Қашқадарё вилояти

(Давоми 2-бетда).



ЖАДИДЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли конференция қатнашчилари! Қадри мезмонлар! Аввало, сизларни жадид маърифатпарварларининг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти, илмий-ижодий меросини ўрганишга бағишланган халқаро конференциянинг очилиши билан табриклаймиз.

Ушбу нуфузли анжумани ташкил этиш ва ўтказишда бизни қўллаб-қувватлаган Туркий давлатлар ташкилоти, ТУРКСОЙ, Халқаро турк академияси, Турк маданияти ва мероси халқаро фонди, Туркий давлатлар парламентлари ассамблеяси раҳбарлари ва вакилларига, барча хорижий олимларга чин қалбимдан ташаккур билдирамиз.

Азиз дўстлар! XIX аср охири ва XX аср бошларида бир қатор шарқ ва мусулмон мамлакатларида вужудга келган жадид ҳаракати Туркистон ўлкасида теран тарихий илдишларга эгадир. Юртимиз улкан ижтимоий-сиёсий ва маърифий аҳамиятга эга ушбу жараёнлардан четда қолмагани, аксинча, бу ҳаракатнинг марказларидан бирига айлангани таъкидлаш лозим.

Ўз замонининг илгор намоёндалари бўлган жадидлар гоёт мурақаб ва қийин шароитда билим ва маърифат тарқатиш, таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ этиш орқали миллий тараққиётга эришиш гоёси билан майдонга чиқдилар.

Шу мақсадда ўз маблаглари ҳисобидан мактаб ва театрлар, нашриёт ва клубхоналар, газета ва журналлар ташкил қилдилар, қобилияти ёшларни чет элларга ўқишга юбордилар. Уларнинг бу олижаноб ташаббус ва ҳаракатлари жамият ҳаётида кучли акс садо бериб, қудратли тўлиқинга айланди.

Ўйлайманки, тарихда икки буюк Ренессансга замин бўлган минтақамизда учинчи Ренессансга айнаган жадид аждодларимиз амалга оширишлари мумкин эди. Афсуски, мустабид тузум уларнинг эзгу гоё ва амалий ҳаракатларини тўла рўёбга чиқаришга имкон бермади.

Биз бугун мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат барпо этар эканмиз, жадид болбаларимизнинг гуманистик қарашларига таянамиз, уларнинг меросидан маънавий қуч-қувват оламиз.

Юртимизда мустабид тузум даврида сиёсий қатағонга учраган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида кенг нишонланмоқда. «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва унинг худудий бўлимининг фаолият олиб бормоқда. Жадидчилик ҳаракати тарихига оид илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар, кинофильмлар қўллаб-қувватланмоқда. Улуғ маърифатпарварларимиз номлари билан аталадиган ёдгорлик мажмуалари, таълим муассасалари, музейлари, боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

Ўтган уч йил мобайнида Ўзбекистон Олий суди томонидан қатағон қурбон бўлган тўрт юздан зиёд ватандошларимизнинг номлари оқланди. Уларнинг ақсират қисмини жадидчилик ҳаракати вакиллари ташкил этиши, айниқса, эътиборлидир.

Ҳурматли дўстлар! Биз маърифатпарвар болбаларимизнинг муқаддас орзуларини рўёбга чиқариш учун мамлакатимизда янги Ренессанс пойдеворини яратишни стратегик вазифа қилиб белгиланганмиз. Шу мақсадда илм-фан, таълим-тарбия, маданият соҳаларида тўб ислохотларни амалга оширмоқдамиз.

Бу борада, аввало, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш, ўқувчи ва мураббийларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кўчаитиришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Кейинги олти йилда республикамизда мактабгача таълим ташкилотлари сони қарийб 6 баробар кўпайиб, 4988 тадан 29420 тага, олий ўқув юртлири сони эса 77 тадан 213 тага етказилди. Юртимизда янги турдаги Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ инсонлар этиб тарбиялашга тараққиётпарвар аждодларимизнинг ақл-заковати, ирода ва матонати барчамиз учун ибрат мактаб бўлиб хизмат қилади.

Биз халқаро илмий марказлар, дунё олимлари билан ҳамкорликда жадидлар фаолиятини янада чуқур ўрганишни долзарб вазифа деб ҳисоблаймиз. Бу ноб ҳаракат орқали бугунги кунда инсониятни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топа оламиз. Бу бебаҳо бойлиқни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётини қадричи англаб етади.

Анжуманининг барча қатнашчиларига сўхат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар, конференция ишига эса муваффақиятлар тилаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзининг иқтисодий, илмий-ижодий, муҳим гоё ва ташаббуслари, ибратли амалии ишлари ва эришган ютуқлари билан юртимиз ёшларига ўрнак бўлиб келаётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб, Ватанимиз раванқи йўлида бор куч-ғайрати, замонавий билим ва малакаси, маънавий-интеллектуал салоҳиятини намоён этаётган қизларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтисодий қизларини аъло ҳулки, ноб истезоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, маданият, спорт соҳаларида ва жамо-

атчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловачида рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий

телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноб истезоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 6 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 6 мартдаги ПҚ-85-сон қарорига илова

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Ниятбаева Хурлиман Аманбай қизи — Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси

Самандарова Барно Тозабой қизи — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Абдукаримов Феруза Улугбек қизи — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг 4-босқич талабаси (Андижон вилояти)

Мухтархўжаева Дурдона Муталибжон қизи — Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетининг Тошкент шаҳридаги филиали 2-босқич талабаси (Андижон вилояти)

Аминова Нигинабону Бахриддиновна — Тошкент молия институтининг 2-босқич магистранти (Бухоро вилояти)

Ғайратова Гулзода Санъат қизи — Бухоро давлат университетининг 4-босқич талабаси

Анварбекова Шарос Анварбек қизи — Тошкент давлат аграр университетининг 1-босқич магистранти (Жиззах вилояти)

Шокирова Самира Салоҳиддин қизи — Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Сунонова Мадина Мухиддин қизи — Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси

Тўраева Маъмура Ўрал қизи — Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси

Жалолова Лобархон Суннатullo қизи — Навоий давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси

Рахматова Дилдора Исмаи қизи — Навоий вилояти Кармана туманидаги спорт мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийси

Абдулазизова Нигора Мухаммаджон қизи — Наманган давлат университетининг 4-босқич талабаси

Мамажонова Мухлисaxon Музаффар қизи — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Худоберова Фарангиз — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги «Алишер Навоий» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси

Эргашова Бахора Сайфилло қизи — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг итальян тили таржима назарияси ва амалиёти кафедраси мудири (Самарқанд вилояти)

Абдулломова Зарнигорxon Алишер қизи — Гулистон давлат университетининг 4-босқич талабаси

Обидова Хилола Илхомжон қизи — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Бетон саноат» масъулияти чекланган жамияти бош директорининг ўринбосари

Илматова Рината Ринатовна — Термиз давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти

Мирзаева Садоқат Ҳусниддин қизи — Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Исомадинова Гузал Захриддин қизи — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 4-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Йўлдошева Наргиза Дастан қизи — Камолиддин Бездод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 4-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Жамолитдинова Ноҳидрабегим Бахтиёржон қизи — Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг 4-босқич талабаси

Эргашова Нилуфархон Акрамжон қизи — Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабининг 11-синф ўқувчиси

Оллаёрова Севинчой Фарход қизи — Хоразм вилояти Хива шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси

Юсупова Индира Рустамовна — Урганч давлат университетининг 4-босқич талабаси

Абдуллаева Ширин Баҳоидиновна — Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги 152-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Тулибоева Садоқат Акмурат қизи — Тошкент шаҳридаги 77-ихтисослаштирилган кўзи ожизлар мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Мазахидова Надира Ташпулатовна — Кўкон шаҳридаги «Кўкон ёр-ёри» ашула ва ракс фольклор-этнографик ансамбли мусика раҳбари, Фаргона вилояти

Маматкулова Айсара Бердикуловна — Сардоба туманидаги «Нурафшон дала сари» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Матякубова Мехрибан Кадамовна — «Хунарманд» уюшмасининг Хива шаҳар бўлими аъзоси, каштачи, Хоразм вилояти

Нармурадова Махбуба Акрамовна — Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг фаррошлар бригадаси бошлиғи, Самарқанд вилояти

Ражабова Мархабо Мухаммадиевна — Қорақўл туманидаги «Хосиятли Қорақўл нури» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

Расулова Муқаддам Мансуржоновна — Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси хузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази директори

Саидмуродова Мақсуда — Мингбулоқ тумани маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг маслаҳатчиси, Наманган вилояти

Хайтова Айжамол Назировна — Олтинсой туманидаги «Туяқуш тиллолари» оилавий корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

Хожаметова Замира Жумабаевна — Қўнғирот туманидаги «Kingrad agro-solodko system» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

«Дўстлик»

ордени билан

Айтбағамбетова Айтатша Бекбердиевна — Гулистон шаҳридаги «Дўстлик» маданият маркази хореографи, Сирдарё вилояти

Алимова Арзихан Абдиллаевна — «Хунарманд» уюшмасининг Жиззах вилояти бошқармаси аъзоси, қурқоч

Аталикова Евгения Владимировна — Қувасой шаҳридаги «Кувасойцемент» акциядорлик жамиятининг хомаёни қайта ишлаш участкаси кран машинисти, Фаргона вилояти

Байрамова Наталья Шамуратовна — Тупроққалъа туманидаги «Матёкуб Қодир» чорвачилик фермер хўжалиги технология, Хоразм вилояти

Васильева Татьяна Александровна — «Ўзаэронавигация маркази» давлат унитар корхонасининг Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш автоматлаштирилган тизими Тошкент ҳудудий бўлинимаси диспетчери

Джуракулова Саодат Эшқобиловна — Бойсун тумани ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Исмаилова Гавхар Абдумановна — «Олмалиқ конметаллургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи мисни электродлаш цехи кран машинисти, Тошкент вилояти

Каинова Гулистан Сарсенбаевна — Республика шойлиқини тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали жонлантериш бўлими шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

Каюмова Махфуза Абдинабиевна — Пахтачи туманидаги «Пахтачи агро ҳамкор томоқа хизмати» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

Лян Екатерина — Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг иссиқхонада сабзавот, полиз экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси мудири

Насриддинова Шохидат Тауфиковна — Мирзо Улуғбек туманидаги «Milk Foods Trade» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Нестерович Людвиг Петровна — Ўзбекистон Баддий ихдоркорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

Рискулова Айногул Жунусовна — Марҳамат туманидаги «Марҳамат 112-қурилиш» масъулияти чекланган жамияти пардозчиси, Андижон вилояти

Салимова Манзура Алимовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси

Сариева Нурбиби Баймахановна — Қонимех туманидаги «Қорақўл Учтепа сур» масъулияти чекланган жамияти чўпони, Навойи вилояти

Халбаева Дилрабо Джурабековна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси

Чўлиева Зийнат Бобоевна — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Бухоро филиали ахборот хавфсизлиги ва маълумотлар узатиш тармоқларини бошқариш бўлими мўҳандиси, Бухоро вилояти

Эргашева Танзила Низамовна — Наманган шаҳридаги «Art Soft Tex» масъулияти чекланган жамияти тикувчиси, Наманган вилояти

Юлдашева Мавлуда Меликовна — Шахрисабз шаҳридаги «Ипак йўли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Дадабоева Манзураҳон — Андижон туманидаги 10-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Андижон вилояти

Зоирова Азиза Ибрагимовна — Қарши давлат университетининг француз тили ва адабиёти кафедраси мудири, Қашқадарё вилояти

Зокидова Мамаураҳон Насилловна — Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмасининг ўқув-методика ва ҳарбий-ватанпарварлик бўлими бошлиғи, ёзувчи

Мирзаева Мехриниссо Латиповна — Ёғдудон туманидаги «Маржона Эъзоза» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари, Бухоро вилояти

Эшаматовна Дилором Бахрамовна — Сергели туманидаги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Гадовва Дилфуза Мустафоевна — Республика шойлиқин тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали оғир куйиш жараҳатлари бўлими катта ҳамшираси, Бухоро вилояти

Ҳолмуродова Замира Бахромова — Республика шойлиқин тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали неврология бўлими мудири, Жиззах вилояти

Шавазова Мухаббат Исमतова — Республика перинатал марказининг қақалоқлар анестезиология ва реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи

Юлдашева Райхон Сайфидиновна — Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали кўз жарроҳи, Самарқанд вилояти

«Соғлом турмуш» медали билан

Мадалиева Феруза Махаммадовна — «Тарақиёт» аҳолининг турмуш тарзини ривожлантиришга қўмаклашиш маркази раҳбари, Фаргона вилояти

Мирзаева Елена Садуллаевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Foreign Languages» телеканали хорижий тиллардаги илмий-маърифий ва баддий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири

Эржаева Шоира Бахрамовна — Қамаш туманидаги «Мироншоҳ ва Иброҳимжон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Алеуова Гулистан Усербаевна — Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг халқаро-ҳуқуқий масалалар бўйича катта ёрдамчиси

Ахатов Замира Рустамовна — Каттақўрғон шаҳар ички ишлар бўлимининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими масъулиятли масалалари бўйича катта инспектори, Самарқанд вилояти

Расулова Лола Анваровна — Қорақалпоғистон Республикаси боғжона бошқармасининг «Хўжайли» чегара боғжона пости катта инспектори

Рахматова Гулзода Шоврукжоновна — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

«Келажак бунёдкори» медали билан

Айтмуратовна Сарбиназ Елмурат кизи — Нукус шаҳридаги Ёшлар технопаркиннинг инновацион лойиҳаларни жалб қилиш ва сараланиши ташкил этиш бўлими бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Давронова Шарифа Жамшеровна — Енги атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Маннопова Фотима Саид кизи — Тошкент шаҳридаги «Techno time academy» робототехника мактаби директори

«Шўхрат» медали билан

Абдиева Мустабар Арслоновна — Сирдарё туманидаги «Reka-Med Farm» масъулияти чекланган жамиятининг инфузион эритмалар ишлаб чиқариш цехи йиғувчи-қадоқловчиси, Сирдарё вилояти

Абдуқадирова Саида Исламовна — «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамиятининг «Тошкент иссиқлик электр станцияси» филиали марказлаштирилган таъмирлаш цехи кран машинисти, Тошкент вилояти

Азимова Гулмира Джахановна — Самарқанд вилояти транспорт бошқармасининг трамвай линияларини эксплуатация қилиш дирекцияси трамвай хайдовчиси

Артикова Дилноза Илхомбаевна — Ўзбекистон давлат филармониясининг Хоразм вилояти бўлинимаси раққосаси

Воҳидова Нилуфар Умаровна — «Хунарманд» уюшмасининг Чуст тумани бўлими аъзоси, дўппидўз, Наманган вилояти

Даулетмуратовна Зулхумар Махметовна — Хўжайли туманидаги 2-оилавий болалар уйи директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Зиятова Махмуда Маматкуловна — Шароф Рашидов туманидаги «Махмуда Зарина Зарифа» масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти

Исмодиярова Диларам Тулкуновна — Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими мутахассиси, «Оқила аёллар» ҳаракати аъзоси

Касимова Шахзодаҳон Рамизидиновна — Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазириликнинг Фан ва инновациялар бошқармаси бош мутахассиси

Касимова Шоира Сатволдиевна — Андижон вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, бош отинюбиси

Қаҳорова Ирода Имминоновна — Уйчи туманидаги «Зиёкор» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Наманган вилояти

Қиличева Ойша Тенгашевна — Нурота туманидаги «Мурувват» ногиронлар учун эркаклар интернет уйи хўжалик бекаси, Навойи вилояти

Мехмонова Рўзихон Абдувалиевна — Балиқчи тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси ишчиси, Андижон вилояти

Мустафоева Шахноза Байзақовна — Янгийўл шаҳридаги «Дугонлар» ногирон аёллар жамияти раиси, Тошкент вилояти

Мухитова Лола Мухаммадовна — Олот туманидаги «Олот каштавузлари» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Нуржанова Сабоҳат Шомуратовна — «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонаси экскурсоводи, Хоразм вилояти

Самиева Гузал Мухитдиновна — Сарийосё тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Сўлайимова Гулчехра Тоҳир кизи — «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамиятининг кўприкли кран машинисти

Усмонова Гулнора Хошимжоновна — Бағдод туманидаги «Гулнора Матулловод бодомдори» ишлаб чиқариш кооперацияси раҳбари, Фаргона вилояти

Файзуллаева Насиба Нуруллаевна — «Навоийазот» акциядорлик жамиятининг полипропилен қоп ишлаб чиқариш цехи оператори, Навойи вилояти

Халирнова Хобиба Алексеевна — Ғузур туманидаги «Моҳигул Моҳларойим жиноси» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Ходжиболаева Раъно Одилевна — Фаргона шаҳридаги «Сурхтепа» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Фаргона вилояти

Шерова Зулфия Махмудовна — Шўрчи туманидаги «Шўрчи Азиз агрофирма» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 6 март

Ўзбекистон ва Миср. Бу икки қадимий замин аҳлини умумий дин, ўхшаш анъана ва урф-одатларга асосланган азалий дўстлик ришталари боғлаб туради. Президентимиз таъбири билан айтганда, тарих ва маданият — бирдек буюк меросга эга халқларимизни яқинлаштиришнинг муҳим воситаси. Мамлакатимиз раҳбарининг яқинда ушбу давлатга расмий ташриф чотида бу эътироф юксак миноватдан янгради. Ҳозирда, Миср Араб Республикаси Президентини Абдулфаттоҳ ас-Сиси билан бўлиб ўтган музокараларда маданий-гуманитар ва диний алоқаларни ривожлантириш юзасидан ҳам қатор истиқболли келишувларга эришилди.

Биз ва жаҳон

Икки халқни бирлаштирган теран илдизлар

Миср — араб давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, яъни 1992 йилнинг 26 декабрида Ўзбекистоннинг давлат мустакиллигини тан олган мамлакат. Бугунги кунга келиб икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга қаратилган 50 дан ортиқ ҳужжатлар маъжуд. Давлатларимиз халқаро миқёсда бир-бирини дипломатик жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, 2018 йил 22 июнда Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган БМТнинг "Марказий Осиё минтақасида тиңчилик, барқарорлик ва исчилик тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлиги мустақамлаш" резолюциясини Миср томони ҳам ижобий баҳолаганди.

Шунингдек, ўша йилнинг 4-5 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлган Президент Абдулфаттоҳ ас-Сиси самимий фикрларини шундай баён қилганди: "Мамлакатимизга келган илк дақиқалардан ўзимни юртимдагидек ҳис қилдим. Миср халқи мамлакатимиз билан минг йиллик муштарак тарихга эга Ўзбекистон ва унинг халқини ғоят ҳурмат қилади. Уйлайманки, бу ташриф нафақат ўзаро ҳамкорлиқни мустақамлашга хизмат қилади, балки барча соҳаларда улкан юксалишларга туртки беради. Биз муносабатларимизни ҳар томонлама ривожлантириш тарafdоримиз..."

Чиндан ҳам, Ўзбекистон ва Миср алоқалари теран тарихий-маданий илдизларга эга. Хусусан, келиб чиқиши бухоролик бўлган Ахмад ибн Тулуи оиласи Мисрда мустанг давлат барпо этгани, фарғоналик Мухаммад ибн Тўғж Ихшид ас икхидийлар, кейинроқ ана бир туркий сулола мамлуқлар давлатига асос солгани ва улларнинг келиб чиқиши Мовароуннаҳр билан боғлиқлиги сўзмиизнинг яна бир яқюл тасдиғидир. Қизғин, ҳозир ҳам Қоҳирада шойлиқлар, бухороликлар, фарғоналикларнинг ўша даврдаги авлодлари умргузаронлик қилмоқда.

Хўш, қадимий диёрга туркий халқлар аънаёларининг кириб боришида юкоридаги туркий сулолалар вакилларининг ҳиссаси қандай бўлган?

Мисрнинг бухоролик ҳукмдори

Тулунийлар (868 — 905) халифалиқда биринчилардан бўлиб ҳукмронлик қилган сулолалардан бири. Ахмад ибн Тулуи даврида машҳур юртдошимиз Ахмад Фарғоний томонидан нилометр яратилди. Базми манбаларга кўра Фарғоний бобо-

мизни айнан ушбу ҳукмдор Мисрга қаирган. Ахмад ибн Тулуи даврида халқ нисбатан фаровон ҳаёт кечирди. У Миср ҳимояси учун ҳарбий кемалардан кучли флот ҳам барпо

Туркий саркарда Мухаммад ибн Тўржнинг аждодлари Фарғона икхидийлари наслидан эди. Бобоси Жофф Фарғона амрларидан бўлиб, халифа Мустасим кўриладга хизмат қилган. Ихшидийлар давлатига асос солган Мухаммад ибн Тўғж 934/935 йилда Миср ноиб бўлиб, халифа ар-Родийдан ўз насабига мос "икхиди — подшо" унвонини олган эди.

Икки авлоди Аббосий халифалар хизматида бўлган маъзур сулола вакиллари Абдулқосим ибн Ҳўнжўр Ихшид, сўнг Абулхасан Али ибн Ихшид, Абулмиср Кофур ва Абулфаворис Ахмад ибн Аллар



қилган. Мамлакатда очарчилик бўлмаслиги учун барча зарур чораларни кўрган. Шу сабабли аҳоли ўртасида катта ҳурматга сазовор бўлди. Сурияни ишғол қилган тангалар чоп қилдиргани ҳам маълум. Тарихчилар тулунийлар сулоласи тахтда бўлган 37 йилни Миср Урта асрлар тарихидаги "Олтин давр" деб ҳисоблайди. Қолаверса, ҳукмдор томонидан пойтахт Фустат, яъни эски Қоҳирада жуда кўп бинолар қурдирилгани ҳам миинтдорлик билан ёдга олинади. Улар орасида энг машҳури — Ахмад Тулуи масжиди. У шу кунга қадар ўзгаришларисиз сақланиб қолган Қоҳирада қадимий иншоотлардан биридир.

Урта аср тарихчиси ал-Макридийнинг эъзихица, бу масжид қурилиши 876 йилда бошланиб, 879 йилда тугалланган. У "Жабал ашқур" (Шўқронлик тепалиги) деб аталувчи кичик дўнглик устида барпо этилган. Бу ҳашамдор ибодат маскани ўз даврида тулунийлар сулоласининг маъмурий маркази вази фасинни ҳам ўтаган. Масжид ибн Тулуининг саройи билан ўраб олинган, минбар ёнидаги эшик орқали унга тўғри кириш имконияти ҳам яратилган. Х аср бошида Ал-Қатай шаҳри аббосийлар ҳужуми оқибатида вайрон қилинган, харобалар орасида омон қолган ягона бино ана шу масжид ҳисобланади. Ҳозирда, Ахмад ибн Тулуи 872 йилда Фустат шаҳрида шифохонга ҳам барпо эттиргани тарихий манбаларда қайд қилинган.

Мухаммад ибн Тўғж аждодлари Фарғонадан эди...

Аббосий халифаларнинг Мисрдаги ҳукмронлиги қариб 30 йил давом этгач бошқарув яна туркий сулолалардан бири-нинг ихтиёрига ўтди.

Мамлуқ султонлари қипчоқ, ўғуз ва бошқа туркий қабилалардан бўлган

Асли қурдлардан бўлган Салоҳиддин Айюбий, туркий мамлуқлардан тузилган ҳарбий кўшин ёрдамида 1171 йилда Миср ҳукмдори бўлган. Бағдод халифаси Муътаъий Салоҳиддин унинг ҳокимиятини қўллаб-қувватлаб, султонлик макомини берди. Салоҳиддиндан сўнг издоши Солиҳ Наждиддин Айюбий (1240 — 1249) туркий мамлуқлардан ташкил топган кўшини Қоҳиранинг Жанубий чегараларидаги ар-Равда оролга жойлаштирган ва шу даврдан бошлаб улар «бахрий», яъни туркий мамлуқлар деб атала бошланган.

Бу сулолага мансуб султонлар ҳукмронлиги 1250 йилдан 1382 йилгача давом этган. Шу боис ўша давр тарихчилари маъзур худудни "Давлат ат-турк" деган ном билан ҳам атаган. Бу даврда Муъизиддин Ойбек ат-Туркманий, Ойбек Туркманий, ал-Муъаффар Сайфиддин Қутуз, аз-Зоҳир Бейбарс, ал-Мансур Сайфиддин ал-Қалъун каби лашқарбошилар Миср султонлиги даражасига эришган. Улар туркий элалар, хусусан, Дашти Қипчоқда кўчиб юрган қипчоқ, ўғуз ва бошқа туркий қабилалар ёки мўғул истилоцидан қочган хоразмликлардан иборат экани қайд этилган.

Мўғулларни мағлуб этган хоразмлик қўмондон

Султон ал-Муъаффар Сайфиддин Қутуз

1259-1260 йилларда Мисрда ҳукмронлик қилган мамлуқ султонидир. Уша даврда мўғуллар Бағдодни вайрон қилиб, Шомга юриш қилди, уни босиб олгач, Миср чегараларига яқинлашди. Ал-Макридий, ал-Ҳамданий, Абу-л-Фидо ва бошқа ўрта аср тарихчиларининг эъзихица, Сайфиддин Қутуз оғир вазиятда мўғуллар олдида бош эгмади, сарасимлага тушмади, ваэмин ва қатий қарор қилди — таслим бўлмасдан ёвга қарши чиқди. Топталган она дийри, халқи, Хоразм истилоцидан кейин гурбатда на халифа, на бошқа ҳукмдорлардан наҳот ва ёрдам топмай, мўғулларга қарши оз сонли лашқари

Халифалик Бағдоддан Қоҳирага қўчирилган

Султон Қутуздан кейин тахтга ўтирган Султон Зоҳир Бейбарс 1260 йилдан 1277 йилгача ҳукмронлик қилган. У 1258 йилда Бағдодда мўғуллар истилоци натижасида бархам топган аббосийлар халифалигини 1261 йилда Қоҳирага қўчирган. Шу сабабли унинг исми Миср халқи оғзаки иждоида аббосий халифа Хорун ар-Рашид ва Салоҳиддин Айюбий билан бир қаторда тилга олинади. Султон Бейбарс ҳақида замонавий араб

Осийдан келган туркий халқлар вакиллари яшаб, ўзларини "Ўзбеклар" номи билан таништирган. Вақт ўтиши билан улар махаллий аҳоли билан шу қадар аралашиб кетдики, натижада алоҳида этник гуруҳ хусусиятини йўқотди. "Ал-Ҳадика ал-Ўзбекия" ҳозир ҳам Қоҳира шаҳридаги энг катта тарихий, диққатга сазовор жойлардан бири саналади.

Туркий тил қандай оммалашди?

Салоҳиддин Айюбий қурд бўлса-да, лекин ўз тилини оммалаштира олмади. Мамлуқлар ҳукмронлиги ўрнатилгач эса туркий тил кенг тарқалди. Қолаверса, худудга салжўқийлар маданияти ҳам кириб келди.

Бу даврда туркий тилларга қизиқиш катта бўлди, улари ўрганишга интилиш тобора кучайиб борди. Пировардида араб-туркий (қипчоқ) луғатлари, грамматикага оид асарлар яратилди. Айниқса, қўндалик мулоқот воситаси бўлган туркий тилининг аҳамияти ошди. Чунки у сўзлашувда, саройда, девонхоналар ва мамлуқ ҳарбийлари орасида кўп қўлланилар эди. Шу тариха қипчоқ ва ўғуз лаҳжалари мамлуқ ҳарбий-сиёсий соҳа намояндаларининг оғзаки ва адабий тилига айланиб, туркий исмлар қўйиш оммалашди.

Мамлуқлар билан мулоқот зарурати туфайли махаллий аҳоли орасидан чиққан араб амалдорлари ҳам туркий тилни ўрганишга мажбур бўлишди. Ҳозирда, таржимонларга эҳтиёж ортди. Бундай мураккаб лингвистика ҳисобга олади қипчоқ арабий асарлар туркий тилга ва аксинча, туркийдан арабчага таржима қилинди. Шу тарзда араб-қипчоқ-ўғуз грамматикасига оид асарлар ҳамда луғатлар яратилди.

Султон Қаловун ҳам араб тилини аниқ-тиниқ билмасди. Мамлуқ султони Барқў Халаба гаҳанида, у ўзига туркий китобларни ўқиб бериш учун туркий олимни талаб қилган. Султон Қайтбой элима уш тилда мулоқот қилган, қипчоқ-ўғуз лаҳжасида шеърлар битган.

Султон Қонсух ал-Фурийнинг "Кавқабу ад-дарий фи аживабатий-ғурий" ("ал-Фурий жавабларидаги ад-Дарий саяёр

Конференция

ДОҲАДА КАМ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Кўриб чиқилмоқда

Қатарнинг Доха шаҳрида БМТнинг кам ривожланган мамлакатлар (КРМ) бўйича юқори даражадаги 5-конференцияси бўлиб ўтмоқда.

Халқаро ёрдамга энг муҳтож бўлган кам ривожланган мамлакатларда ўз соҳа-иқтисодини тўла ишга солиш орқали барқарор ривожланишни жаддалаштириш мақсадига ташкил этилган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегациямиз ҳам қатнашди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ҳозирги вақтда 46 та мамлакат КРМ тоифасига киритилган, улардан 33 таси Африка давлатлари ҳисобланади. Ушбу рўйхат аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад, Инсон тараққиёти индексидаги ўрни, Иқтисодий ва экологик заифлик индексидаги ўрни каби мезонлар асосида ҳар йили янгиланади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда Ўзбекистон бой таърибга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиши бўйича ўзига хос йўлига асос солинди. Мазкур жараёнга давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари бевосита жалб этилди.

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар белгиланди. Мана шу мақсадлар ижроси билан боғлиқ ҳолда 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган 125 та вазифа тасдиқланган.

Доха конференцияси иштирокчилари 2011 йилда қабул қилинган Истанбул ҳаракатлар дастури қоидаларини баҳолаш, кам ривожланган давлатларни халқаро қўллаб-қувватлаш ва бу жараёнга қўшимча ҳаракатларни жалб этиш масалаларини атрофлича муҳокама қилмоқда. Айни чоғда кам ривожланган мамлакатлар ва уларнинг ҳамкорлари ўртасида тарққий ривожланиш муаммоларини ва қашшоқликни бартараф этиш, халқаро миқёсда келишилган барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва КРМ тоифасидан чиқишни таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда конференция Президенти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби, Бош Ассамблея раиси, Иқтисодий ва Иجتимоий Кенгаш раиси, КРМ гуруҳи раиси, ривожланиш бўйича ҳамкорлар ва

киллари ва кам ривожланган мамлакатлар ёшлари вакиллари баёнотлар билан чиқди.

Анжуманда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева COVID пандемияси, тобора кескинлашиб бораётган глобал зиддиятлар, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги таҳдидлари, иқлим ўзгаришининг фожиавий оқибатлари Барқарор ривожланиш мақсадларининг тўлиқ бажарилишини янада қийинлаштираётганига уруғ берди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, кам ривожланган мамлакатларнинг саноат ва хизматлар тармоқларига киритилаётган сармоялар ҳажмини кескин кўпайтириш, бу борада ЮНКТАД ва бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда инвестиция лойиҳаларининг асоси ва онлайн харитасини шакллантириш, уларнинг тақдиротларини дунё миқёсида мунтазам ўтказиб бориш, муҳтож давлатлар ташқи бозорларга чиқишида замонавий стандартлар, карантин ва санитария талабларини бажариш, электрон савдо тизимларини ривожлантиришда ҳар томонлама амалий қўмак бериш, кам ривожланган мамлакатларни арзон ва сифатли қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш каби тақлифларни илгари суриди.

Едингизда бўлса, 2022 йил 17 мартда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТнинг кам ривожланган мамлакатлар бўйича конференцияси биринчи қисми якунлари бўйича 2022 — 2031 йилларга мўлжалланган кам ривожланган мамлакатлар учун Доха ҳаракатлар дастури маъқулланган ҳамда мазкур дастурнинг якуний матни БМТ Бош Ассамблеясининг 2022 йил 1 апрелдаги резолюцияси билан тасдиқланган эди. Анжуманда ушбу дастурнинг амалий ижросини таъминлаш масалаларига ҳам кенг уруғ берилмоқда.

Конференция юқори даражадаги тематик давра сўбатларини ўз ичига олган бўлиб, ҳар бир сессиянинг қисқача мазмуни конференция якуний ҳисоботида тўлиқ ифодаланиши ҳам кўзда тутилган.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ Йўлида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти 1995 йилнинг февраль ойида МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда жорий этилган.

Анжуман

Омбудсман институти 28 йиллигини йигирмадан ортқ хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи ваколатли органлари ҳамда омбудсманлари билан биргаликда Самарқанд шаҳрида нишонлади.

Португалия, Сербия, Венгрия, Туркия, Озарбайжон, Россия, Таиланд, Марокаш қироллиги, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатлари омбудсманлари, нуфузли халқаро ташкилотлар, сенатор ва депутатлар, давлат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари иштирокида уюштирилган конференцияда хотин-қизлар ва ёшлар, ногиронлиги бўлган ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида сақланган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб жиҳатлари, Омбудсманнинг давлат идоралари ва фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари муҳокама этилди.

Хозирги кунда дунёда 180 дан ортқ мамлакатларда Омбудсман лавозимини жорий қилинган, бу институтнинг инсонлар, жамият ва давлат ҳаётида тугган ўрни салмоқли эканини кўрсатади. Омбудсманлар бир мақсад —

инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида бирлашган бўлса ҳам, уларни амалга ошириш бўйича танлаган йўли, механизмлари, таъсир чоралари, ваколатлари бир-биридан фарқ қилади.

Дунёда рўй бераётган ўзгаришлар, жамиятдаги мавжуд муаммолар ҳамда бошқа жиҳатлардан келиб чиқиб, омбудсманларнинг бир жойда жамланиши ва ўзаро таъриб алмашиши инсон ҳуқуқлари таъминлашида гоят муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро конференцияда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Феруза Эшматова мамлакатимизда "Инсон қадр" тамойили асосида олиб борилаётган ислохотларга тўхталиб, шунга мос равишда Омбудсман институти фаолияти ҳам такомиллашиб бораётганини қайд этди.

Анжуманда қатнашган хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи ваколатли орган раҳбарлари Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш борасида эришилаётган ижобий натижаларни алоҳида эътибор этиб, бу борадаги таъриблар билан ўртоқлашди.

Туркия Бош омбудсмани Шериф Малқочнинг фирми, Туркия "Ноль тоқат" тамойили асосида аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашини бошлаган. Психологик ёрдам ва йўл-йўриқ хизматлари учун зўра-

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича бугун муҳима этилаётган масалалар барчамиз учун гоят долзарбдир. Ушбу йўналишда Ўзбекистон билан ўзаро таъриб алмашган ҳолда фаолият олиб бораёғимиз.

ижтимоий интеграция ҳуқуқини таъминлаш ва парварши қилиш жараёнига оид барча масалалар қаттиқ назоратта олиниши кераклигини таъкидлади. Бу борада Омбудсман институти ўз ваколати доирасида ушбу тоифа-



вонлиқнинг олдини олиш ҳамда мониторинг қилиш марказлари ташкил этилган. Тезкор хабарлар олиш учун "Аёлларни қўллаб-қувватлаш тизими" мобил алоқаси ишга туширилган. Мазкур соҳадаги ўзаро ҳамкорлик ушбу йўналишдаги ишларни янги бошқича олиб чиқади.

— Аввало, бугунги конференцияда иштирокчимиз учун ўзбекистонлик дўстларимизга миннатдорлик билан раҳмат, — дейди Озарбайжон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Сабина Алиева. —

Бу алоқаларимиз ўтган йилдан бошлаб Туркий тили давлатлар инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари ва омбудсманлари Ассоциацияси доирасида ҳам амалга оширилмоқда.

Марокаш қироллиги Омбудсмани Моҳамед Беналилу эса аутизм касаллиги билан чалинган ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги таъриб билан ўртоқлашди. Ушбу масалага давлат сиёсати даражасида қаралиши, ҳар бир аутистик шахсга кафолатланган

даги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ва дастурларни амалга ошириш бўйича комплекс сиёсатни ишлаб чиқиш борасида ишлаётгани қайд этилди.

Халқаро экспертлар Омбудсман институти жамият ҳаётида гоят муҳим аҳамиятга эга эканлигига тўхталиб, бу борада ҳамкорликда ишлашга тайёргилини маълум қилди.

Тадбир якунида Самарқанд резолюцияси қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ДОЛЗАРБ ТАҚЛИФЛАР, ҲАЁТБАХШ ТАШАББУСЛАР



Шу йилнинг 2 март куни Боку шаҳрида бир қатор давлатлар етакчилари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган Қўшилмаслик ҳаракати Мулоқот гуруҳининг навбатдаги саммитида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Фикр

Хусусан, сўнгги йилларда инсоният пандемияга қарши курашиши билан бир қаторда иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва техноген фожиаларнинг аянчи оқибатларини ҳам ўз бошидан ўтказаятгани ҳамда муаммоларнинг кўлами тобора кенгайиб, улар нафақат айрим давлатлар, балки бутун бир минтақаларнинг хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти учун жиддий хавф солаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Албатта, бундай қийин ва мураккаб синовларни факатгина биргаликда, томонлар бир-бирларини яндан қўллаб-қувватлаган ҳолда енгиб ўтиши мумкин. Шу маънода, Ўзбекистон 2030 йилга қадар мўлжалланган Сендай ҳадли дастурининг асосий мақсадларига эришиш бўйича Глобал платформа фаолиятини янада кўпайтириш тарафдоридир.

Юқоридаги каби ҳолатларни ўз вақтида таҳлил қилиш ва олдини олиш мақсадида Президентимиз Қўшилмаслик ҳаракатининг махсус мониторинг ҳамда илмий тадқиқот тизимини ташкил этиши ва бу институтни Ўзбекистонда жойлаштириш тақлифини илгари суриди.

Шунингдек, сўнгги пайтларда барча давлатларда ўсиб бораётган тер-

роризм ва экстремизмнинг хавф-хатарига қарши ташкилот доирасида амалий алоқаларни кучайтириш боиса булардан тус олаётгани боис ана шундай таҳликали вазиятда Қўшилмаслик ҳаракати терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашининг халқаро-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича умумий инициативаларга етакчилик қилиши лозимлиги таъкидланди.

Айни чоғда минтақавий ва халқаро даражадаги учрашувларда Ўзбекистон томонидан доимий ташаббуслар қилинаётган Афғонистон масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, ташкилот аъзоларини афғон масаласи бўйича алгоритмни келишиш учун БМТ ҳузурида Халқаро музокаралар гуруҳини тузишга доир Ўзбекистон тақлифини қўллаб-қувватлашга қачирди.

Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва энергетика ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани мамлакатларимиз ижтимоий-иқтисодий тизимлари учун жиддий синов бўлаётганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шу боис бундай нуфузли анжуманлар, биринчи навбатда, ўзаро амалий ҳамкорликни ривожлантириш,

қўшма дастурлар ва йирик лойиҳаларни илгари суриш учун кенг иқтисодий имкониятлар эшигини очиб бериши лозимлиги ҳамда ташкилот саммитлари арафасида Қўшилмаслик ҳаракати Иқтисодий форумини мунтазам ўтказиб бориш тақлифи ўртага ташланди.

Юқоридаги каби глобал шароитларда ёшларга эътиборни ҳар қачонгидан да кучайтириш нафақат уларни ёт гоилар таъсиридан асрашга, шу билан бирга, муаммоларни самарали ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Боис бугун глобал шароитлардаги муаммоларни ҳал этишда интеллектуал юқори салоҳиятга эга бўлган ёш кадрлар таърибаси муҳим саналади. Шунинг учун ҳам бундай ёшларни бир мақсад йўлида бирлаштириш аҳамияти ҳар қачонгидан-да юқори бўлганлиги боис давлатимиз раҳбари Ҳаракат ёшларини бирлаштирган "Чексиз имкониятлар саммити"ни келгуси йил жамхон цивилизацияси марказларидан бири бўлган қўшма Самарқандда ташкил этиш тақлифини билдирди.

Муҳтасар айтганда, Қўшилмаслик ҳаракати Мулоқот гуруҳининг саммитида илгари сурилган ташаббуслар замонавий билим ва илгор технологиялар алмашувини жаддалаштиришга, "ақлли" иқтисодиётни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга хизмат қилиши билан эътиборга молиқдир.

Олтиний МАМИРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРДА ИШГА СОЛИНМАГАН ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУДЛИГИ АЙТИЛДИ

БМТнинг кам ривожланган мамлакатлар бўйича юқори даражадаги 5-конференциясида иштирок этиш учун Қатарда амалий ташриф билан бўлган Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ушбу давлат Шўро кенгаши (Маслаҳатлашув кенгаши) Раиси Ҳасан бин Абдулла ал-Ғаним билан учрашди.

Мулоқот

Учрашувда Ўзбекистон — Қатар муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, жумладан, парламентларо алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда томонларнинг халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлиги атрофлича муҳокама қилинди.

Мулоқотда айни пайтда парламентлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар икки мамлакат салоҳиятига жавоб бермаслиги, уни мустаҳкамлаш борасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, учрашув чоғида қатор тақлифлар ўртага ташланди. Делегациялар алмашинуви орқали парламентлар, қўмиталар ва дўстлик гуруҳлари раҳбарлари даражасида мулоқотни фаоллаштириш, парламентларо тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳамда қўшма ташаббусларини илгари суриш шўлар жумласидандир.

Шунингдек, турли соҳалардаги ҳамкорликни назарда тутивчи икки томонлама ҳужжатларни ратификация қилишни жаддалаштириш бўйича мулоқот изчиллигини таъминлаш ва уларнинг биргаликдаги мониторингини олиб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

— Биз Қатар парламенти билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири, деб ҳисоблаймиз. Парламентларо мулоқотимизни фаоллаштиришда "дўстлик гуруҳ"лари муҳим

ўрин тутади. Қатар Маслаҳат кенгашида 2022 йил март ойида "Қатар — Ўзбекистон" парламентларо дўстлик гуруҳи таъсис этилганини маъмуният билан қабул қилдик. Дўстлик гуруҳларимиз ўртасида мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш тарафдоримиз, — деди Сенат Раиси.

Ўз навбатида, Ҳасан бин Абдулла ал-Ғаним мамлакатимиз тарихан ислом цивилизациясига улкан ҳисса қўлган буюк алломалар юрти эканини алоҳида эътироф этиб, Қатар учун Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади. Бу борада икки давлатнинг муштарак саъй-ҳаракатларини бирлаштиришда парламентларо алоқаларни янги даражада мустаҳкамлашга тайёр эканини билдирди.

Конструктив ва амалий руҳда ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон — Қатар ҳамкорлигининг бошқа йўналишлари, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди. Қатар томони мамлакатларимиз ўртасида зиёрат туризмини ривожлантириш юзасидан ўз тақлифларини билдирди. Маълумот ўрнида айтиш лозим, 2022 йил якунига қўра мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланимаси 4,8 миллион долларни ташкил қилган.

Учрашув якунида Сенат Раиси Қатар давлати Шўро кенгаши Раисини Ўзбекистонга тақлиф этди.

«Халқ сўзи».

БОШЛАНГИЧ СИНФ ўқувчиларига БЕПУЛ ОВҚАТ БЕРИШ ТИЗИМИ САМАРАЛИ ИШЛАЯПТИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи аъзолари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида бошланғич синф ўқувчиларига бепул овқат бериш тизими қандай ишлаётгани айрим мактаблар мисолида ўрганилди.

Ўрганиш

Маълум бўлишича, айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасидаги 716 та мактабнинг 143 минг 688 нафар бошланғич синф ўқувчиси кейтеринг тизимида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан бепул нонушта берилиши йўлга қўйилган.

Қўмита раиси О. Иминов бошчилигидаги ишчи гуруҳ то-

монидан Чимбой, Кеғейли, Тўрткўл ҳамда Кўнгирот туманларидаги 10 га яқин мактаблардаги ҳолат бевосита ўрганиб чиқилганда тадбиркорлар томонидан кейтеринг хизмати вақтида, сифатли амалга оширилаётгани маълум бўлди.

Бирок ўрганишларда озиқ-овқат етказиб бериш жараё-

нида айрим бефарқликларга йўл қўйилаётгани ҳам аниқланди. Жумладан, Чимбой ва Кеғейли туманларига маҳсулотлар кейтеринг ташкилоти томонидан йўловчи ташувчи "Дамас" автомобилларида етказиб берилган. Кеғейли туманидаги айрим мактабларда маҳсулотларни қабул қилиш чоғида эътиборсизликка йўл қўйилган. Мазкур мактаблар директорлари сифатсиз маҳсулотларни қабул қилиб олгани учун Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан жаримага тортилган.

Сенатор М. Салимова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Хоразм вилоятидаги ҳолатни ўрганди.

Қайд этилишича, 2022 йилда бошланғич синфлар мавжуд бўлган умумий ўрта таълим мактаблари 524 тани, 2023 йилда 525 тани ташкил қилган. Вилоят халқ таълими бошқармасига 2022 йилда бюджет маблағлари ҳисобидан жами 58 149,5 млн. сўм ажратилган бўлиб, шундан 47 869 млн. сўми овқат-лангирини ҳарajatлари учун йўналтирилган.

Маълумки, тегишли вазирлар ва идоралар томонидан ўқувчиларни овқатлантириш учун мўлжалланган беш кунлик таомнома ва таом тайёрлаш бўйича технологик карталар тасдиқланган. Шундан келиб чиқиб, ишчи гуруҳ Гурлан, Шовот, Янгиариқ туманлари ва Хива шаҳридаги умумтаълим мактабларига етказиб берилган бепул озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини кўздан кечирди.

Урганиш давомида аниқла-нишича, етказиб берилган маҳсулотлар таркиби ва сифати устидан назоратни таъминлаш мақсадида тузилган махсус комиссия вазифалари белгилаб берилмаган. Маҳсулотлар сифатини назорат қилиш журнали юритилмай келмоқда. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш мuddати кўрсатилмаган бўлишига қарамай қабул қилиб олинган.

Бу борада сенатор тадбир-

кор ва мактаб маъсулларига белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиш, маҳсулотларнинг санитария ва гигиена талабларига мослигини қатъий назоратга олиш зарурлиги юзасидан ўз тақлиф ҳамда тавсияларини берди. Жойларда аниқланган камчиликларни тезкор бартараф қилиш, ишни тизимли давом эттириш юзасидан жойларда тушунтириш ишлари олиб борилди, мактаб директорлари ва тадбиркорлар иштирокида семинарлар ўтказилди.

Ўрганиш натижалари Сенат қўмитаси мажлисида муҳокама қилиниши режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамоараси жамоаси "Нуроний" газетаси ва "Кексалик гашти" журнали тахририятининг бош муҳаррири

Шухрат ДЕҲҚОНОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

«Халқ сўзи».

